

## ЁШ ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ВА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ ЎРНИ

**Кодиров Нажмиддин Неъматович**

*Тарих фанлари номзоди, доцент*

*Халқаро Нордик университети Ижтимоий фанлар ва*

*журналистика кафедраси мудири*

*e-mail: [n.godirov@nordicuniversity.org](mailto:n.godirov@nordicuniversity.org)*

**Аннотация.** *Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда сўнгги йиллардаги давлат сиёсатининг ёш хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини оширишидаги иштироки тарихий-қийёсий ва статистик таҳлил асосида ўрганилади. 1991 йилда ташкил топган Қўмитанинг институционал тузилиши, унинг таълим, бандлик ва ижтимоий ҳимоя соҳаларидаги фаолияти ҳамда 1995–2022 йиллардаги фармон ва қарорлар билан мустаҳкамланган ҳуқуқий-молиявий механизмлар таҳлил қилинади. Шу билан бирга, эришилган натижалар халқаро кўрсаткичлар контекстида танқидий баҳоланиб, NEET (ўқимаётган, ишламаётган ва касбий тайёргарликда бўлмаган ёшлар) кўрсаткичининг гендер таркибидаги номуносиблик ва унинг тизимли омилини кўрсатиб берилади. Тадқиқот натижалари ёш хотин-қизлар фаоллигини барқарор ошириш учун муассасалараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлигини асослайди.*

**Калит сўзлар:** *ёш хотин-қизлар, ижтимоий фаоллик, Хотин-қизлар қўмитаси, фуқаролик жамияти, NEET, бандлик, таълим, гендер тенглик, давлат сиёсати.*

**Abstract.** *This article examines the role of the Women's Committee of the Republic of Uzbekistan and recent state policies in enhancing the social activity of young women through historical-comparative and statistical analysis. The study explores the institutional development of the Committee, established in 1991, and analyzes its activities in the fields of education, employment, and social protection, as well as the legal and financial mechanisms strengthened through presidential decrees and government resolutions adopted between 1995 and 2022. Furthermore, the achieved outcomes are critically assessed within the context of international indicators, highlighting gender disparities in the NEET (Not in Education, Employment, or Training) population and identifying the underlying structural factors contributing to these imbalances. The findings demonstrate the necessity of strengthening inter-institutional cooperation to ensure the sustainable enhancement of young women's social participation and civic engagement.*

**Keywords:** *young women, social activity, Women's Committee of Uzbekistan, civil society, NEET, employment, education, gender equality, state policy.*

### **Кириш**

Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш — фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб, бу жараёнда давлат органлари билан бир қаторда нодавлат ноижорат ташкилотлар ҳам муҳим ўрин тутди. Ёшлар, хусусан ёш хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётга фаол жалб этилиши масаласида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур мақолада Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда сўнгги йиллардаги давлат сиёсатининг ёш хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини оширишдаги иштироки тарихий-қиёсий ва статистик таҳлил асосида ўрганилади ҳамда эришилган натижалар халқаро кўрсаткичлар контекстида танқидий баҳоланади.

### **Хотин-қизлар қўмитаси: институционал ва ҳуқуқий асослар**

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси 1991 йил 23 февралда ташкил топган бўлиб, ёш хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини ошириш ишларида фаол иштирок этиб келмоқда. Ушбу нодавлат ташкилотнинг асосий вазифалари мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар кўлами билан боғлиқ. Унинг таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари, 38 шаҳар, 170 туман жамоалари ҳамда турар жойларда ташкил этилган қўмиталар фаолият юритади. Қўмита фаолиятининг дастлабки ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишда хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ташкил этади [7].

### **Таълим ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш**

Хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида истеъдодли қизларнинг халқаро майдондаги ютуқлари сезиларли ўсди. 2015 йилда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий таълим талабалари жаҳон фан олимпиадаларида жами 110 та медални қўлга киритган бўлса, шундан 44 таси қизлар ҳиссасига тўғри келди. Шу йили Париж, Рим, Берлин, Токио, Москва, Прага, Қоҳира, Сеул ва Деҳли каби маданият марказларида ўтказилган халқаро кўрик-танловларда 530 дан зиёд ўқувчи ва талаба ғолиб бўлди, уларнинг 240 нафарга яқини қизлар эди. 2013–2015 йилларда эса 1850 дан ортиқ истеъдодли спортчи ёш халқаро мусобақаларда зафар қозониб, уларнинг 620 нафарга яқинини қизлар ташкил этди [6].

Қизлар таълими ва касб эгаллашига қаратилган эътибор институционал қўллаб-қувватлаш механизмлари билан мустаҳкамланди. 2021 йилда олий таълимда қизлар улуши 45,4 фоизни ташкил этди [17]. Ҳақиқатан ҳам 2 мингдан ортиқ қизга давлат гранти асосида таҳсил олиш имконияти берилди ҳамда шунча талаба қизнинг таълими молиялаштирилди [11]. 2022–2023 ўқув йилидан бошлаб таълим контрактларини тўлаш учун қизларга 7 йил муддатга фоизсиз кредит бериш жорий этилиб, 2024 йилда банкларга 1 триллион 800 миллиард сўм, кейинги беш йил учун 8 триллион сўм маблағ ажратилди. Магистратурада таҳсил олаётган хотин-қизларнинг контракт тўловлари бюджетдан тўлиқ қопланди; рақамли жамият шароитида олима аёллар улушини ошириш мақсадида докторантура йўналишида ҳар йили камида 300 та мақсадли квота ажратилди [13].

Иқтидорли қизларни рағбатлантириш мақсадида давлат мукофотлари тизими такомиллаштирилди. Зулфия номидаги Давлат мукофоти 1999–2017 йилларда ҳар йили 14 нафар иқтидорли қизга берилиб келинган бўлса, 2018 йилдан бошлаб ҳар бир ҳудуддан 2 нафардан жами 28 нафар совриндорни тақдирлаш тартиби жорий этилди [14]. Шунингдек, 100 га яқин ёш хотин-қиз мумтоз кўшиқчилик, академик ижро, эстрада, опера, балет, чолғу ижрочилиги, анъанавий ижрочилик ва рақс йўналишларида «Ниҳол» мукофоти билан тақдирланди [15]. Ёш хотин-қизларни тадбиркорлик, маркетинг ва график-дизайн каби замонавий касбларга ўргатиш учун «Қизлар академияси» платформаси ишга туширилиб, турли танлов, лойиҳа, ўқув оромгоҳ ва стажировкалар ташкил этилди [16].

### **Иқтисодий фаоллик, бандлик ва ижтимоий ҳимоя**

Ёш хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллиги ва бандлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. 2017 йил 7 февралдаги Ҳаракатлар стратегиясида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, касб-хунар коллежи битирувчиларининг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка кенг жалб этиш алоҳида устувор вазифа сифатида белгиланди [1]. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси қошида «Олима» аёллар уюшмаси, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, «Илм-фан ва аёл», «Ижодкор аёллар» ҳамда «Хуқуқшунос аёллар» каби ижодий уюшмалар тузилиб, хотин-қизларнинг қизиқишларига мос фаолият йўлга қўйилди [10].

Янги Ўзбекистон даврида ёш хотин-қизлар бандлиги масаласига катта эътибор қаратилди. 2018 йилда 75 784 нафар, 2019 йилда 41 500 нафар, 2020 йилда 80 000 нафар, 2021 йилда 900 000 нафар хотин-қизга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатилди. 2021 йилнинг ўзида имтиёзли кредитлар асосида уй-жой учун 18 минг аёлга 400 миллиард сўм, тадбиркорлик фаолиятини

йўлга қўйиш учун эса 126 мингга яқин хотин-қизга 2 триллион сўм маблағ йўналтирилди [9]. 2020 йилдан жорий этилган «Аёллар дафтари» тизими орқали унга киритилган 900 мингга яқин хотин-қизга кўмак берилиб, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашилди; бу ёрдам олганларнинг аксариятини 16–30 ёшдаги ёш хотин-қизлар ташкил этди [11].

2021 йил 5 мартдаги қарор ҳамда 2022 йилги фармон ва 2022–2026 йилларга мўлжалланган Миллий дастур доирасида хотин-қизларнинг кичик бизнес лойиҳаларига имтиёзли кредитлар ажратиш, ҳар бир ҳудудда хотин-қизлар ҳунармандчилик марказлари ва кластерларини ташкил этиш, аёлларни тазйиқ ҳамда зўравонликнинг турли шаклларида ҳимоялаш, шунингдек уларни меҳнат бозорида рақобатбардош касбларга ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш асосий вазифалар сифатида белгиланди [2; 3; 12].

### **Танқидий таҳлил: NEET кўрсаткичи ва тизимли муаммолар**

2020–2023 йилларда ёш хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини ошириш ва бандлигини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилгани билан бирга, ишсизлик ва ижтимоий-иқтисодий фаол бўлмашлик ҳолатлари нисбатан юқори кўрсаткичларда сақланиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг Барқарор ривожланиш мақсадлари миллий портали маълумотларига кўра, 16–24 ёш оралиғидаги «ўқимаётган, ишламаётган ёки касбий тайёргарликда бўлмаган ёшлар улуши» (NEET) 2020 йилда COVID-19 пандемияси таъсирида 30,5 фоизгача кўтарилиб, кейинги уч йилда иқтисодий тикланиш ҳамда «Ёшлар дафтари» каби институционал чоралар фонида изчил пасайиб, 2023 йилда 23,8 фоизни ташкил этди [18].

Мазкур пасайиш тарихий прогресс сифатида баҳоланса-да, халқаро контекст уни танқидий қайта баҳолашни тақозо этади. Халқаро меҳнат ташкилотининг 2024 йилги глобал ҳисоботида кўра, дунё миқёсида ёш аёллар орасидаги NEET даражаси ёш эркеклар кўрсаткичидан деярли икки барабар юқорилигича қолмоқда; Марказий Осиё бўйича миллий тадқиқотлар эса Ўзбекистондаги NEET таркибининг асосий қисмини айнан ёш хотин-қизлар ташкил этишини қайд этади [19].

Ушбу динамикани ёшлар сиёсати эволюцияси билан уйғунликда ўрганиш муҳим. 2020 йилдан ёшлар сиёсати миқдорий индикаторлар ва БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғунлашган мониторинг тизимига ўтказилди [4], 2023 йилдаги «Ўзбекистон–2030» стратегияси эса уни халқаро бенчмаркинг асосига мустаҳкамлади [5]. Кўрсаткичнинг умумий пасайишига қарамай, NEETнинг аксарият қисмини ёш хотин-қизлар ташкил этиши эрта никоҳ, она-оналик вазифалари ва меҳнат бозорига қайта интеграция механизмларининг чекланганлиги каби тизимли омиллар ҳали бартараф этилмаганини кўрсатади.

### Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси нодавлат институт сифатида, давлат сиёсати билан уйғунликда, ёш хотин-қизларнинг таълим, бандлик ва ижтимоий ҳаётга фаол жалб этилишида муҳим ўрин тутиб келмоқда. 1995 йилдан 2022 йилгача қабул қилинган фармон ва қарорлар Кўмитанинг институционал, ҳуқуқий ҳамда молиявий салоҳиятини изчил кенгайтди ва таълимда қизлар улушининг ошиши, имтиёзли кредитлар, «Аёллар дафтари» ҳамда рағбатлантириш дастурлари каби аниқ натижаларни берди. Айтилган пайтда NEET кўрсаткичининг гендер таркибидаги номуносиблик эришилган ютуқларни танқидий баҳолашни талаб этади. Ёш хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини барқарор ошириш учун Хотин-қизлар кўмитаси, оила ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, эрта никоҳ ва меҳнат бозорига қайта интеграция билан боғлиқ тизимли тўсиқларни бартараф этишга қаратилган манзилли чораларни кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги ПҚ-5020-сон «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. <https://lex.uz>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги ПФ-87-сон «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. <https://lex.uz>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 январдаги ПҚ-23-сон «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори. <https://lex.uz/docs/5234746>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон–2030» стратегияси тўғрисида»ги Фармони. <https://lex.uz/docs/6600413>
6. Мирзиёев, Ш. М. (2019, 8 март). Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/2417>.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилиши тўғрисидаги ахборот. [Президент матбуот хизмати](#) (музоаат қилинган сана: 15.06.2026). Халқ сўзи, № 48 (7828), 1–2-б.
8. Каримов И. А. (2015, 7 март). Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги. Халқ сўзи.
9. Усмонова, Н. (2022). Хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш – доимий эътиборда. uza.uz. [https://uza.uz/uz/posts/hotin-qizlar-himoyasi-doimiy-etiborda\\_270809](https://uza.uz/uz/posts/hotin-qizlar-himoyasi-doimiy-etiborda_270809)
10. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси қошидаги уюшмалар. (2022). wcu.uz. <https://wcu.uz/uz/associations>
11. Хотин-қизлар учун улкан имкониятлар белгиланди. (2022, 1 март). xs.uz. <https://xs.uz/uzkr/post/khotin-qizlar-uchun-ulkan-imkoniyatlar-belgilandi>
12. Маруфова, Г. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими янги босқичга кўтарилди. uza.uz.
13. Агзамова, Г. Замонавий билим ва етакчилик қобилиятига эга хотин-қизлар – миллатимизнинг олтин фонди. parliament.gov.uz.
14. Мухторова, Ҳ. Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлиш учун нималар керак: тўлиқ қўлланма.
15. Саидов, И. (2015, 8 март). Хотин-қизлар ҳаётида ҳуқуқнинг ўрни: оила ва ҳуқуқий маданият. adolatnashr.uz.
16. Хотин-қизларни замонавий касбларга ўргатиш учун «Қизлар академияси» платформаси ишга туширилади. uza.uz. <https://uza.uz/posts/570629>
17. Number of female students in higher education organizations. (2022). stat.uz. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>
18. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси. Барқарор ривожланиш мақсадлари миллий портали, БРМ-8, индикатор 8.6.1. <https://nsdg.stat.uz/>
19. International Labour Organization. (2024). Global Employment Trends for Youth 2024. Geneva: ILO Publications. <https://www.ilo.org/media/583631/download>